# ВАТАН ОЗОДЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий Мажлиснинг бугун тақдим этган беш йиллик ҳисоботини, сўзга чиққан халқ депутатларининг билдирган фикрлари ва берган баҳоларини, бир сўз билан айтганда, Олий Мажлиснинг беш йил давомидаги фаолияти, амалга оширган тадбирлари ва халқаро майдонда тобора ошиб бораётган обрў-эътиборини, авваламбор, Ўзбекистонда демократик давлатларга хос парламентаризм шаклланиб бораётганининг тасдиғи деб биламан.

Ҳаёт, замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Шунга монанд равишда жамиятимиз, унинг узлуксиз қисми бўлмиш парламентимиз ҳам, депутатлар ҳам ўзгариб бормоқда.

Мен бугун сиз азизларнинг юзингизга, кўзингизга қараб, сизга ишонч билдирган миллионлаб сайловчилар олдида шуни айтишим керакки, мамлакатимиз, халқимиз ўтган даврда қандай ютуқларга эришган бўлса, уларнинг барчасида парламентимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Халқимиз, сайловчиларингиз олдида, ўз виждонингиз олдида — мен бурчимни ҳалол ва сидқидилдан бажо этдим деб айтишга ҳаққингиз бор, албатта. Мен бу ҳақиқатни катта фахр ва катта ифтихор билан таъкидлаш лозим деб биламан.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Бугун мана шу минбарда туриб сиз азизлар билан олдимизда турган ўта муҳим бир вазифа бўйича фикр алмашиб олмоқчиман.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимиз, халқимиз ҳозир муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалар арафасида турибди. Бугунги сессияда Президентлик лавозими ва Олий Мажлис депутатлигига бўлажак сайловларнинг муддати белгиланади. Бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократия бобида орттирган тажрибаларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб бораётганини, аҳолимизнинг сиёсий савияси нечоғлик юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синов бўлади.

Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари, айниқса, яққол намоён бўлади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда биз бугун мамлакатимизда мавжуд бўлган вазиятга, авваламбор танқидий баҳо бериб, саккиз йил давомида барпо этилган, авваламбор Конституциямиз, қабул қилинган қонунлардан иборат ҳуқуқий базага ва халқаро андозаларга суяниб, таяниб, олдимизда турган улкан сиёсий синовдан ёруғ юз билан, мамлакатимиз обрўсига обрў қўшиб чиқишимиз учун зарур моддий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз даркор.

Модомики биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мана шу масалаларга муфассалроқ тўхталиш лозим деб ўйлайман.

Албатта, бизда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан, демократия талабларига тўла жавоб беради, деб тан олинган ўз Конституциямиз, ўз қонунларимиз борки, уларда сайлов масалаларига доир умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукаммал тартиблар ва талаблар ўз ифодасини топган.

Шундай экан, бизнинг энг муҳим вазифамиз — қабул қилинган қонунларимизга, эътироф этилган талабларга, демократик андозаларга қатъий риоя этишни таъминлашдир.

Шу ўринда демократия принциплари, тараққий топган давлатларнинг қўллашга арзийдиган тажрибаси бизга ёрдамга келиши керак.

Бу тажрибанинг биз учун энг муҳим жиҳати шундаки, бундай мамлакатларда аҳолининг, аввало сайловчиларнинг ўтказилаётган сайловларга муносабатлари, сайловларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уларга тайёргарлик ва ўтказиш тартиблари кўп — ўн, балким юз йиллар давомида шаклланган ва кўп синовлардан ўтганини ҳисобга олишимиз даркор.

Ҳисобга олиш дегани, аввало, уларни синчиклаб ўрганиш, танишиш, сайловчилар орасида тушунтириш ишларини олиб боришда, мутасадди ташкилотлар ва фаоллар билан ўқув машғулотлари ва семинарларини ўтказишда бу илғор тажрибаларга суянишдир.

Яна бир бор шуни таъкидлашни истардимки, бугунги кунда ўз миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида одамларимизнинг, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятини ошириш, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқларини чуқур англаши энг муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир хунук ҳолатларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва тартибларга биноан, кўппартиявийлик асосида ташкил қилинган сайловларда бир депутатлик ўрнига камида тўрт-беш номзод бўлишини кутишимиз табиийдир. Шуни ҳисобга олсак, сайловларга тайёргарлик пайтида баъзи номаъқул ишларга берилиш, сохта ваъдабозлик, одамларнинг мойиллигини уйғотиш мақсадида ғайриқонуний ишларга қўл уриш каби носоғлом кураш авж олишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Сайловлар одамларнинг маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қабилачилик белгилари асосида ажралиб кетишига ҳам сабаб бўлмаслиги керак. Асоссиз равишда бир-бирининг обрўйини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик, ҳар хил бемаъни "ўйинлар" уюштириш сингари нохуш ҳолларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Халқимизга хос вазминлик, сиполик, камтарлик фазилатлари инсонни улуғлайди. Минбарда туриб, тилга эрк бериб, ваколати бўлмасдан туриб халқ номидан гапиришга ҳеч кимнинг, ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Депутат бўлишни истаган одам аввало ҳалоллиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин.

Сайловлар, уларга тайёргарлик ҳақида гап борар экан, кўраётган барча тадбирларимизнинг асосий мезони, асосий мақсади деб ягона муҳим вазифани кўрмоғимиз ва шунга эришмоғимиз даркор.

Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади — **ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъий назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами — аввало ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин.**

Мана шу мақсадга эришган ҳолда сайлов натижаларидан қониқиш ва мамнуният ҳосил қилиш мумкин.

Яна бир муҳим фикрни такроран айтишни лозим деб биламан. Ҳар қандай партия, агар у ўзини том маънодаги сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир мухолиф бўлиши зарур. Бундан қўрқмаслик керак.

Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдорлари ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор.

Янада содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари ўзлари кўнгил қўйган партия ёки шахс нима учун курашаётгани ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари ва аниқ позицияларга эга бўлишлари керак.

Урра-уррачилик, яшасинчилик кайфияти, бугунги сиёсатни орқа-ўнгига қарамай фақат мақташ билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди, бирорта муаммо ҳам ечилмайди. Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, айни вақтда минбарбозлигу митингбозлик, турли хил ҳавойи бақириқ-чақириқлар билан ҳам бирор туп дарахт кўкариб ёки бирорта иморат битиб қолмайди.

Шунинг учун ҳаётимизга танқидий кўз билан қараш, сиёсий-ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, бугун халқимизни қизиқтирадиган долзарб масалалар бўйича — у сиёсатга тегишлими, давлатни, жамиятни бошқаришга, ҳаётни яхшилашга дахлдорми — вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдириш керак. Уларни асослаб, кенг жамоатчиликнинг ўз фикрига тарафдор этиш, авваламбор миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор.

Мен бу сайловларда барча партияларимизга омад тилар эканман, уларнинг битта ақидага амал қилишларини истар эдим: сиёсий курашлар тарихидан маълумки, жаҳондаги кўплаб партиялар ур-йиқит, жанжал-сурон орқасида "обрў" топишган бўлса, сизлар эса, барака топкурлар, бунёдкорлик, яратувчилик иши билан обрў топинг.

Албатта, сайлов каби ғоят муҳим воқеа ва масъулиятли ишда шошма-шошарликка сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир марта такроран айтиб ўтмоқчиман: зарур бўлса, жаҳон тажрибасига мурожаат қилиш, республикамиздаги халқаро вакилликлар, ташкилотлар иштирокида, кенг омма иштирокида тушунтириш ишларини, учрашувлар, семинарлар ўтказишни кўпайтириш, кенгайтириш керак.

Бу жараённи пухта, халқ учун тушунарли тарзда ёритиб бориш оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклайди.

Сайловларда совет давридан қолган асоратларга йўл қўймаслик керак. Кўпинча маҳаллий ҳокимият идоралари вакилларининг билиб-билмас аралашуви, ҳайбаракаллачилиги қонун талаблари бузилишига олиб келади.

Ҳар бир сайловчи ўз бурчини собиқ иттифоқ даврида бўлгани каби сайлов бюллетенларини оила-оила бўлиб қутига ташлашдан иборат деб билмай, аввал айтганимдай, бу жараёнга онгли равишда ёндошмоғи, ўз овози, жамият ва давлат ҳаёти учун, келажак учун аҳамиятли эканини, сайловчи сифатида зиммасида катта масъулият борлигини англаб етишга эришмоғи даркор.

Хулоса қилиб айтганда, сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ва демократия тамойиллари устуворлигига эришиш олдимизда турган ғоят масъулиятли вазифадир.

Азиз дўстлар!

Барчамизнинг саъй-ҳаракатларимиз, интилишларимиз, ақл-заковатимиз мана шу заҳматкаш ва бағрикенг халқимизнинг оғирини енгил қилишга, уни янада ёруғ кунларга олиб чиқишга қаратилган.

Чунки бу халқнинг бахт-саодати йўлида, фаровон келажаги йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак, заҳмат чексак арзийди.

Севимли халқ езувчимиз Саид Аҳмад акамизнинг иборасини ишлатиб айтсак: "Ўзбек халқи шундай табиатга эгаки, унинг меҳр дарёсидан бир қатра сув ичган одам бу халққа бир умр муҳаббат қўяди. Бизнинг заминимиз шундай муқаддас заминки, бу тупроқ тафтидан баҳраманд бўлган киши бир умр ўзини қарздор сезади, унга садоқатли бўлиш бурчини ҳис қилади".

Шу боис буюк боболар, азиз-авлиёлар меросини асраб-авайлаб келаётган, уларнинг ҳаётбахш ўгитлари асосида ўз миллий қадриятларини шакллантириб, авлодларини шу руҳда тарбиялаётган меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизга мансуб эканимиздан ҳар биримиз чексиз фахрланишимиз, унга таъзим бажо келтиришимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда сизларга кўнглимдаги яна бир гапни айтмоқчиман.

Мен умрбод она халқим билан бирга, унинг ҳурматига муяссар бўлганимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг корига яраганимдан ўзимни бахтли ҳисоблайман.

Бу ҳаётда бева-бечоранинг пешонасини силаган, етим-есирларга ёрдам берган, одамларнинг оғирини енгил қилган инсон ўзини бахтиёр санашга албатта ҳақлидир.

Аммо тарихнинг бурилиш нуқтасида, улуғ бир миллатни **ноҳақ таҳқир ва хўрликдан асраш,** унинг ўзлигини англаб, қадди-қоматини кўтариб мағрур яшашга даъват этиш, буюк марраларга чорлаш, содда қилиб айтганда, озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва истиқлол йўлига бошлаш — ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Менинг пешонамга ана шундай тақдир, ана шундай қисмат битган экан. Мен бу қисматни ўзим учун ҳам бахт, ҳам шараф деб биламан. Чунки мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Менинг бир армоним борки, шу ҳақида айтмасам бўлмайди. Кўпчилик қаторида менинг ҳам ёшим, умрим ўтмоқда. Давлат ишлари билан, мураккаб, оғир, ўзининг ечимини талаб қилиб турган кундалик муаммолар билан банд бўлиб, бир нарсадан вақти келиб афсусланаман.

Менинг энг катта армоним оддий, содда кишилар орасида кўпроқ бўлиш. Бугун ҳаёт қийинчиликларига бардош бериб яшаётган оила — хонадонларда бўлиш, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан кечирган отахон, онахонларимиз, фахрийларимиз, энди ҳаётга кириб бораётган ёш йигит-қизларимиз билан суҳбат қуришдир.

Шу оилаларнинг хурсандчилик кунларини бирга баҳам кўриш. Кўп жойларда, одамлар билан учрашганда, карими, ёшми — агар мени ҳам тўйларингизга таклиф қилсангиз, мен ўзимни бахтиёр сезаман деганим бекорга айтилган гаплар эмас.

Мисол учун, Америка Қўшма Штатларида, шу мамлакатнинг энг нуфузли ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизларимиз билан учрашганда мени албатта тўйларингизга чақирасиз, деб айтганим ҳам бежиз эмас.

Азиз дўстларим! Азиз ҳамюртларим!

Аҳил ва баҳамжиҳат, ўзаро ҳамдарду ҳамнафас бўлиб меҳнат қилганингиз, мени қўллаб-қувватлаганингиз учун халқимиз, Ватанимиз равнақи йўлида кўрсатган барча саъй-ҳаракатларингиз учун сизга яна миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Сиздек фидойи инсонлар билан ишлаганимдан, орангизда қалбимга жуда яқин, қадрдон бўлиб қолган инсонлар кўплигидан фахрланаман.

Халқимиз, Ватанимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азиз юртдошларим!

Яна бир бор барчангизни, сизлар орқали бутун халқимни яқинлашиб келаётган энг азиз, энг буюк байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклайман.

# Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида

# АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз бошлиғи мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб, ислоҳотларни амалга оширишда, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги туб ўзгартишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда парламентнинг катта ўрин тутганини қайд этди. Президентимиз бўлажак парламент сайлови масалаларига батафсил тўхталиб, барча сиёсий партияларни сайловолди сиёсий курашини ҳалол, маърифий ўтказишга чақирди. Ўринсиз ваъдалар беришдан, ортиқча шов-шувлар ва сохта обрў кетидан қувишдан тийилишга чақирди. (Нутқ матбуотда эълон қилинмоқда).

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини маъқулладилар, тегишли қарор қабул қилдилар.

Молия вазири Р.Азимов депутатларга 1999 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг параметрлари ҳақида ахборот берди. Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Бу икки масалани муҳокама қилишда "Файз" акциядорлик холдинг компаниясининг бош директори М.Азимова, Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Жиззах вилояти болалар шифохонасининг бош врачи Ҳ.Алимова, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги "Шўрахон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Абдукаримов иштирок этди. Депутатлар 1999 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичларини ва Давлат бюджетининг параметрларини маъқулладилар.

Кечки мажлис "Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов маърузасидан сўнг депутатлар бу Қонунни қабул қилдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А.Йўлдошев депутатларга "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Самарқанд вилояти Ургут туманининг Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А.Зиёев, Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Тошкент вилояти "Янгийўл ёғ-мой" акциядорлик жамияти раиси М.Худоёров иштирок этди. Олий Мажлис "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Сессияда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г.Йўлдошева "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Шу масала юзасидан Урганч қурилиш коллежи директори И. Бойжонов ва Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси раиси Ҳ.Абдураимов ўз фикрларини айтди. Депутатлар "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонунни қабул қилдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А.Йўлдошев парламентга "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тақдим этди. "Сурхонгўштсутсаноатсавдо" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Х.Қиличев ҳамда Тошкент вилоятидаги темир-бетон маҳсулотлари заводи директори Б.Халилов сўзга чиққанидан сўнг сессия "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари М.Содиқова "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида депутатларга ахборот берди. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ҳокими Ш.Исанов ва Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги туғруқхона бош врачи М.Ҳожиматова сўзга чиққанидан сўнг мазкур Қонун қабул қилинди.

Сессияда Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И.Кочмарик "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент шаҳар "Интранс" акциядорлик жамияти раиси Б.Қосимов ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгашининг биринчи котиби Ғ.Машарипов иштирок этди. Бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси бугун ўз ишини давом эттиради.

Сўз — сессия иштирокчиларига

# «ЎЗ ЙЎЛИМИЗ, ЎЗ ТАЖРИБАМИЗ, ЎЗ... БИНОМИЗГА ЭГА БЎЛДИК»

## Депутатлар Олий Мажлис ва унинг 1995-1999 йиллардаги фаолияти хусусида ана шундай хулосага келдилар

***Беш йиллик фурсат инсон умри учун унчалик катта муддат бўлмаса-да, лекин муайян ишларни охирига етказиш, тажриба тўплаш, ўзаро яқинлашиш, ҳамфикр, ҳамнафас бўлиш учун етарли имконият яратар экан. Биз Олий Мажлиснинг XV сессияси ишининг биринчи кунида депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, ана шундай дейишга жазм этдик. Бу ҳақда улар қуйидагиларни гапириб беришди.***



*Дамехон ТОҒАНИЯЗОВА, 248-Чимбой сайлов округидан депутат:*

— Очиғи, ҳар гал Парламентимизнинг гўзал биносига кирарканман, менда беихтиёр ғурур уйғонади. Чунки у ерда халқимизнинг ўзидай қудратни, шижоатни кўраман. Президентимизнинг мазмун-моҳиятга бой, кишида фикр уйғотувчи маърузаларини тинглаб, ҳар сафар ҳайратга тушаман. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Йўлбошчимиз Олий Мажлиснинг ўтган беш йиллик фаолиятига муносиб баҳо берди.

Ҳақиқатан ҳам Парламентимиз ўзининг қисқа фаолияти мобайнида халқимиз ишончини оқлаб, Ватанимиз ва замондошларимиз келажагига дахлдор бўлган масалаларни ҳал қилди. Бугунимиз ва эртамиз хусусида 10 та кодекс, 130 га яқин қонун, 460 дан ортиқ қарор қабул қилди. Уларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта, адолатли ва мукаммал бўлиши Олий Мажлиснинг бош мақсадларидан бирига айланди.

Яна бир ютуқ шундаки, Парламентимиз Конституциямизга таянган ҳолда жамиятимизни ислоҳ қилишнинг ўзига хос моделига асосланиб, қонунчилик фаолиятининг мустаҳкамлигига эришди. Шу билан бирга, Олий Мажлис кучли жамиятни барпо этиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда нодавлат ташкилотларнинг мавқеини оширишга, маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатларини аста-секин жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказишга қаратилган қонунларни тайёрлаб, қабул қилганлиги фаолиятимизда катта ўрин тутди.

Назаримда, Олий Мажлис фаолиятини жаҳондаги энг илғор парламентлар иш андозасига мос ишлай билди, десам бор гапни айтган бўламан. Ҳар қалай мамлакатимизнинг ёш Парламенти чиниқди, маҳорати ошди. Ва бундан буён янада яхши ишлаши учун ўзига замин яратди.



*Неъматулло ИБРОҲИМОВ, 3-Акмал Икромов сайлов округидан депутат:*

— Беш йил ичида Олий Мажлисда унинг ҳисоботида қайд қилинганидек, кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Афсуски, унинг ҳаммаси ҳақида бирма-бир тўхталишнинг иложи йўқ.

Мен Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзосиман. Шу боис ўзим яқиндан билган воқеалар хусусида гапирмоқчиман. Парламентимиз ана шу вақт ичида 95 та халқаро битим ва шартномани ратификация қилди, 43 та халқаро конвенцияга қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Олий Мажлиснинг халқаро алоқалар миқёси кенгайди, парламентлараро делегациялар алмашинуви ҳам беқиёс даражада ошди. Парламентимизга 50 дан ортиқ мамлакатларнинг таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари ташриф буюрди. Йирик халқаро сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ташкилотларнинг раҳбар ва намояндалари парламентимизда бўлишди. Юксак даражадаги ташрифларнинг ярмидан кўпроғи АҚШ ва Европа мамлакатлари ҳисобига тўғри келиши ҳам биз учун қувонарли ҳолдир. Шунингдек, бизнинг депутатлар ҳам 30 дан ортиқ мамлакатлар парламентлари фаолиятлари билан танишдилар, уларнинг тажрибасини ўргандилар. Энг қувончлиси, бу ҳақда истаганча гапириш, истаганча мисол келтириш мумкин. Бундан ҳар қанча фахрлансак, мағрурлансак арзийди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари И. ХУДОЁРОВ, Ф. САНАЕВ тайёрлади.**

Мустақиллик неъматлари

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ

## ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

1-мақола

Истиқлол ўзбек халқи учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очиб берди. Юртимизда тарихан қисқа, мазмунан бой мустақиллик йилларида асрларга татигулик улуғ ўзгаришлар юз берди. Куни кеча тасаввуримизга сиғмаган ҳодисалар бугун оддий воқеликка айланиб қолди.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасини байрам нашидаси чулғаб олган бир пайтда бағри кенг меҳнаткаш халқимиз бунёдкорлик ишлари натижаларини кўриб, ҳар бир киши қалбида миллий ғурур туйғулари жўш уради. Она Ватанимиз келажаги буюклигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

Шундай улуғ кунларда ислоҳотлар натижаларини сарҳисоб қилиш, ютуқларимиз мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўйлаб кўриш, ҳали қилиб улгурмаган ишларимизни рўёбга чиқариш ҳақида фикр юритиш анъанага айланиб қолди. Ушбу мақолада ҳам юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг айрим лавҳалари билан танишамиз.

### ЎЗБЕК МОДЕЛИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти асосларига ўтиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўзига хос «Ўзбек модели» номи билан аталмоқда. Янги жамият қуришнинг бу модели бугунги кунда хорижлик олимларни қизиқтирмоқда. Ҳамдўстлик давлатлари орасида ривожланишнинг энг мақбули, энг самарали йўл деб тан олинмоқда. Бундан 5-6 йил аввал, бизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятига шубҳа билан қараган сиёсатчилар, иқтисодчи олимлар ҳам бугун бизнинг тажрибамизни ўрганмоқдалар, айрим жиҳатларини ўзларида татбиқ қилмоқдалар.

Ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча кўрсаткичлари бўйича Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг кам пасайишга эришилди. Улар орасида биринчи бўлиб, 1996 йилдан бошлаб асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича барқарор ўсиш таъминланмоқда. Ижтимоий ларзаларсиз чуқур тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.




Унинг сири нимада? Авваламбор, миллий моделимизнинг ўзига хослиги, унда бозор иқтисодиётининг маълум бир тури ёки муайян бир давлат йўли тўғридан-тўғри кўчириб олинмаганлигида. Ўз тараққиёт йўлимизни танлашда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий шароити ва салоҳиятидан, халқимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари, диний эътиқодидан келиб чиқилганида.

Биздаги ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиб чиққан финляндиялик профессор Ярмо Эронен шундай дейди:

— Собиқ иттифоқ республикалари ичида бизни кўпроқ Ўзбекистон тажрибаси қизиқтиради. Чунки қисқа вақт ичида «Ўзбек модели» ўзини оқлади. Биринчи бўлиб сизларда ўсиш бошланди. Сизларга қўшни давлатлар Қозоғистон ва Қирғизистонда бўлганимда, уларда айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бутунлай издан чиққанини кўрдим. Экин майдонлари 50 фоизга камайиб кетибди. Ҳосилдорлик эса ундан ҳам кўпроққа тушиб кетган. Чорвачиликда туёқ сони кескин камайган. Ўзбекистонда эса умуман бошқача манзара. Қишлоқ хўжалиги ўтиш даврининг энг оғир йилларида ҳам бир маромда ривожланди. Бу эса танланган йўлнинг тўғри эканлигидан далолат беради.

Албатта, босиб ўтилган йўлда муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Лекин, энг муҳими, ислоҳотларнинг умумий стратегиясида собит турган ҳолда тактикамизга йўл-йўлакай тузатишлар киритиб боряпмиз. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳолатига ҳар чоракда, ҳар йили чуқур таҳлил орқали баҳо бериб келинмоқда. Нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда, зарур ҳолларда эса давлат дастурлари қабул қилинмоқда.

Айниқса, баъзи бир давлатлардагидек парламент сафсатабозликларига йўл қўйилмай, ўз вақтида қонунлар қабул қилиш, зарур бўлганда зудлик билан тузатишлар киритиш, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиш орқали ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилиши ютуқларимиз асоси бўлмоқда.

### ЎТМИШГА НАЗАР

Россиянинг нуфузли «Вопросы экономики» журналининг таъкидлашича, Ҳамдўстлик давлатларининг аксариятида саноатдаги салбий жараёнларни тўхтатишга эришилмади, аксинча, улар яна чуқурлашиб, тармоқлар ўртасидаги номутаносиблик ошди. Фақат Ўзбекистонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш энг кам миқдорда камайган ҳолда, жиддий таркибий ўзгаришлар содир бўлганлиги эътироф этилди («Вопросы экономики», 1999 йил, 1-сон, 116-бет).

Дарҳақиқат, саноат тармоқлари таркибини статистик рақамлар орқали таҳлил қиладиган бўлсак, истиқлол йилларидаги ўзгаришлар қанчалик улуғворлигини яққол кўрамиз. Айниқса, уни собиқ иттифоқ давридаги саноат тузилмаси билан солиштирганда, қисқа вақт ичида структуравий сиёсатнинг амалий натижалари, бунёдкорлик ишларининг салобати кўз олдимизда ёрқинроқ намоён бўлади.

Эски саноат тизимида енгил саноатнинг, аниқроғи пахта тозалаш саноатининг мавқеи жуда юқори эди. Аксарият минтақалар саноатида унинг салмоғи 70-80 фоизни ташкил қилган. Катта хомашё ресурсларига эга бўлган ҳудудларда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган эди.

Биздаги оғир саноат корхоналарининг ҳаммаси собиқ марказга бўйсунган. Уларнинг аксариятида маҳаллий хомашё, аҳоли талаб ва эҳтиёжларига алоқаси йўқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Технологик жиҳатдан бизнинг ҳудудда жойлашган бошқа саноат корхоналари билан боғлиқлик бўлмаган.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти таркибида халқ истеъмол молларининг улуши атиги 37,1 фоизни ташкил қилган. Натижада ўзимизга керакли кенг истеъмол товарларининг аксарият қисми четдан келтирилган.

Бундай оғир вазиятда саноатни қайтадан тиклаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаганида, бизда ишлаб чиқаришнинг кескин тушиб кетиши, саноатда банд аҳолининг 300-400 минг нафари ишсиз қолиши мумкин эди.

### ХОРИЖИЙ САРМОЯ

Президентимиз ташаббуси билан ушбу салбий жараённинг олдини олиш мақсадида чет эл сармояларини жалб қилиш орқали рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил қилиш, эскиларини замонавий технологик жиҳозлар ўрнатиш йўли билан харидоргир моллар ишлаб чиқариш ихтисослашувига алоҳида эътибор берилди.

Бизда қулай инвестицион муҳит яратилганлиги, хорижий сармояларнинг кириб келишига кенг йўл очилганлиги иқтисодиётда туб тузилмавий ўзгаришлар содир бўлишининг асосий омилларидан бири бўлди. Агар 1993 йилда республикамизга атиги 11 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ва кредитлар киритилган бўлса, 1998 йилда ушбу кўрсаткич 1 миллиард 300 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Қайси вилоятга, қайси шаҳарга хорижий сармоялар кўп киритилган бўлса, айнан ўшаларда иқтисодий ва ижтимоий ўсиш даражаси юқори бўлди, ишлаб чиқаришда ижобий тузилмавий ўзгаришлар амалга ошди.

### ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичиданоқ ёқилғи-энергетика мажмуасининг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва табиий газ ишлаб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириб бориш ҳисобига мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигига эришиш вазифаси қўйилди.

Чунки Ўзбекистон ҳудудида нефть саноатига асос солинганига бир асрдан ошганлигига қарамасдан, биз ўзимизни нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган талабимизни таъминлай олмай келар эдик. 80-йилларда республикамизга ҳар йили четдан 6 миллион тонна атрофида нефть маҳсулотлари ташиб келинган. Мустақиллик йилларининг дастлабки йилларида валюта тушумимизнинг асосий манбаи ҳисобланган пахта толасининг 600 минг тоннасини Россияга ёнилғи маҳсулотларига айрибошлашга мажбур эдик.




Тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш ҳуқуқини олганимиздан кейинги 4-5 йил ичида юз йилда рўёбга чиқмаган орзуга эришдик. 1998 йилда 1991 йилга нисбатан нефть қазиб олиш 2,7 баробар ошди. Хомашёдан тайёр ёнилғи маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Биз фақат мамлакатимиз нефть мустақиллигини таъминлаб қолмасдан, балки хорижга ёнилғи маҳсулотларини сота бошладик. 1998 йилда экспорт қилинган маҳсулотларнинг 7,9 фоизини электр энергия манбалари ташкил қилди.

### «ЎЗБЕГИМ МАШИНАСИ»

Мамлакатимиз саноатида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғининг мавқеи кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, унинг тизимида автомобилсозликнинг ташкил топиши жиддий тузилмавий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Бу эса саноатда барқарор ўсишни таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда.

Истиқлолгача оддий велосипед ишлаб чиқаролмаган Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, дунёда 28-бўлиб автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланди.




Ҳозир янги тармоқ тизимида йиллик қуввати 200 минг енгил автомобиль бўлган «ЎзДЭУавто», автобус ва юк машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «СамКўчавто» қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи ўндан ортиқ янги корхоналар ташкил қилинди. Республикамиздаги 40 дан ортиқ корхоналар улар билан ҳамкорликда ишламоқда. Автомобилсозлик саноатида ҳозир 14 мингга яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда.

Агар мамлакатимизда 1996 йилда 25,3 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил уларнинг сони 80 мингга етиши кутилмоқда.

**Авазхон СОДИҚОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

---




республикамизда 500 га яқин газета, кўплаб журналлар чоп этиляпти. Аммо уларнинг бадиий савиясини бир хил даражада, деб бўлмайди. Кўп ҳолларда масаланинг моҳиятини чуқур очиб бериш ўрнига, бир ёқламаликка йўл қўйилаётир. Ҳолбуки, бугунги журналист, хоҳ у газета, хоҳ радио ёки телевидение ходими бўлсин, улкан ўзгаришлар жараёнидан четда туриши мумкин эмас.

## СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимиз XXI асрга қадам қўймоқда. Ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятан кишиларда янгича дунёқарашни шакллантириш, миллий ўзликни англаш ҳамда жамият ҳаётини тўла эркинлаштиришга йўналтирилгандир. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти қандай? Улар давр билан ҳамнафас қадам ташлаб, ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси сифатида иш олиб бораяптими?

Бухорода бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу муҳим масалага бағишланди. Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан уюштирилган «Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуидаги ушбу анжуманда республика газеталарининг вакиллари, радио ва телевидение ходимлари, шунингдек, партия фаоллари иштирок этдилар.

Таъкидландики, бозор иқтисодиёти барча жабҳада бўлгани сингари матбуот соҳасида ҳам эркин рақобатни вужудга келтирди. Бу эса улар фаолиятига янги талаблар асосида ёндашувни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда

Баҳс-мунозара, ошкоралик тусида ўтган анжуманда журналистлар ўзларини ўйлантираётган масалаларни ўртага ташлаб, тармоқ фаолиятини яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

**Т. РАҲМАТУЛЛАЕВ, «Самарқанд» шаҳар газетаси муҳаррири:**

— Газета омма учун чиқарилади. Аммо ўқувчи уни қабул қилаяптими-йўқми — кўпинча бу билан ишимиз йўқ. Сўз масъулиятини, журналистик бурчимизни унутмаслигимиз лозим. Жамият ҳаётини эркинлаштириш учун, аввало, матбуотнинг ўзини эркинлаштириш, унинг йўлидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш лозим, деб ўйлайман.

**Б. ШАРОПОВ, тележурналист:**

— Самарқандлик ҳамкасбимнинг фикрига тўла қўшиламан. Матбуотни эркинлаштирмай туриб, жамиятни эркинлаштиришга эришиб бўлмайди. Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўришимиз лозим. Журналист — ижодкор шахс. Бошқалар сингари у ҳам ўз меҳнатидан тўла манфаатдор бўлгандагина унумли ишлайди, жамият ҳаётида фаол иштирок этади.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

Қоракўл туманидаги "Жиғачи" қишлоғида янги қўшма корхона ишга туширилди. Бухоро вилоят меҳнат бошқармаси, Бизнес фонднинг вилоят бўлими, "Бухоро" жамоа хўжалиги ҳамда Германиянинг "Пфафф-зингер" фирмаси мазкур корхонанинг ҳомийлари бўлди.

Янги корхонанинг ишга тушиши билан қишлоқ аёлларидан 70 нафари муқим иш ўрнига эга бўлди. Бу ерда иссиқ курткалар, иш кийимлари, болалар кўйлаклари сингари харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 50 фоизини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

---



## АЁЛ ҚАДРИ



*Наманган шаҳридаги 2-туғруқхона мажмуини вилоятда билмаган киши кам топилади. Чунки мажмуа хизматининг кўлами ниҳоятда кенг. Жумладан, аёлларда ҳомила бошлангандан то фарзанд дунёга келгунга қадар ва ундан кейинги тиббий назорат, тегишли муолажалар тажрибали врач ва ҳамширалар томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, шаҳар ва туманлардан оғир аҳволда келтирилган аёллар ҳам шу ерда нажот топади. Шу туфайли бу масканда болалар ўлими кўрсаткичи кескин камайди.*

*Туғруқхонада 9 та бўлим ва 3 та ёрдамчи бўлинма мавжуд. 180 беморга 250 нафар шифокор ва ходим хизмат кўрсатади. Мажмуага шу даргоҳни қуришда елиб-югуриб меҳнат қилган олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Розахоним Қосимова раҳбарлик қилади. Зеро, бу шифо масканида опанинг шогирдлари, иқтидорли саломатлик посбонлари кўп.*

СУРАТЛАРДА: мажмуанинг умумий кўриниши; катта ҳамшира Сарбар Мирбоқиева.

**Турғунбек МАҲКАМ олган суратлар.**

---

***МУСТАҚИЛЛИК йилларида Ўзбекистон телекоммуникацияси техника ва технологиясида кўп нарсалар тубдан ўзгарди. Алоқа корхоналарида юзага келган янги имкониятлардан оқилона фойдаланилгани туфайли тараққиёт ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида йирик тадбирлар амалга оширилди. Эндиликда автомат ва электроника улаш, сифатни, сўзлашув вақти ва нархини кузатиш, ҳисоб-китобни чиқариш каби мураккаб жараёнларни бажармоқда. Ҳатто энг мураккаб ташкилий ва ахборот-техник топшириқларни ҳам алоқа корхоналарига мурожаат қилиб юрмай, абонентларнинг ўзлари мустақил ҳал этишлари мумкин. Мутахассислар эса мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида янги техникадан самарали фойдаланишни таъминламоқдалар.***

***Суҳбатдошимиз — «Халқаро Телеком» акциядорлик жамиятининг бош директори Майрам ХОЛМУРОДОВА амалга оширилган асосий ишлар ҳақида ҳикоя қилади.***

## ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН:

# ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

— АЛОҚАНИНГ техник воситалари кўз ўнгимизда янгиланиб бормоқда. Ўзбекистон почта ва телекоммуникация маҳкамаси, «Маҳаллий Телеком» ва «Халқаро Телеком» акциядорлик жамиятлари ҳамда жойлардаги алоқа корхоналари телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва янгилаш бўйича 1995 йилда ҳукумат томонидан тасдиқланган миллий дастурни бажара бориб, давлат ва ҳокимликларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан тармоқни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон телекоммуникацияси маҳаллий тармоқларида умумий миқдори қарийб 700 минг рақамдан иборат (умумий ҳажмнинг деярли ярми) электрон рақамли АТСлар фаолият кўрсатмоқда. Бу замонавий станциялар нафақат пойтахт, балки Қорақалпоғистонда, мамлакатнинг барча вилоятларида жорий этилган.

Шу йилнинг биринчи ярмида OECF япон фирмасининг йирик кредити ўзлаштирилди ва бу Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида 252 минг рақамли АТСлар қуриш, икки минг километр узунликда тола-оптик кабель ётқизиш имконини берди. Самарқанд-Қарши радиореле алоқа линияси тубдан қайта қурилди. Шу линиялар ёрдамида юқоридаги минтақалар рақамли каналлар бўйича халқаро алоқалар тармоғига уланди. Бу йил тола-оптик кабелли (ТАЕ-ВОЛС) улкан Транс-Осиё-Оврупа халқаро объекти қурилиши тугалланди. У Хитойда Шанхай ва Олмонияда Франкфурт-на Майн шаҳарлари билан туташтирди. Ўзбекистондаги миллий қисми 900 километрдан ошади. Ушбу магистралнинг ишга туширилиши Шарқ ва Ғарбни янги тезкор каналлар билан боғлаш, Ўзбекистон учун жаҳон ахборот тизимига чиқиш имконини берди.

Шунинг шарофати билан бугунги кунда республиканинг барча минтақаларида, шунингдек, дунёнинг исталган мамлакати сари юқори тезликдаги рақамли каналларни ташкил этиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, видеоконференцалоқа, аудио ва телекўприклар каби янги хизмат турларини таклиф этиш, шунингдек, Интернет хизматига нисбатан тобора ўсиб бораётган талабни қондириш имкониятлари туғилди.

Эндиликда кўпгина мамлакатлардаги миллионлаб одамлар Интернет халқаро тармоғидан фойдаланмоқда. Ўзбекистон ҳам 1996 йилдан бошлаб унга қўшилди. Бугунги кунда турли мулк шаклидаги корхоналар Ўзбекистонда ана шу тармоқдан фойдаланаётган абонентларга хизмат кўрсатмоқда. Бундай абонентлар сони эса тез ўсиб бормоқда. Чунки Интернетнинг ахборот имкониятлари кенгдир.

Интернет тармоғига киришга тобора ўсиб бораётган қизиқишни тартибга солиш ва ундан фойдаланувчиларга малакали хизмат кўрсатиш мақсадида республика ҳукумати ўзининг 1999 йил 5 февралдаги «Маълумотларни узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тизимларига киришни тартибга солиш тўғрисида»ги 52-сонли қарори билан миллий операторлик вазифасини UzPAK давлат корхонаси зиммасига юклади. Маълумот узатиш миллий тармоғининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ахборот бўйича талабларини янада тўлароқ қондириш, илғор техника воситаларини жорий этиш, республиканинг ягона ахборот макони асосини такомиллаштириш каби муҳим масалаларни бош вазифа қилиб белгилади.

UzPAK республиканинг бошқа маълумот узатиш тармоқларида операторларнинг ўзаро алоқаларини Интернет тармоқлари ва бошқа жаҳон тузилмаларига улаш орқали уларга хизмат кўрсатади.

Интернет-кўприкларнинг ташкил этилиши ва муваффақиятли ўтказилиши телекоммуникация томонидан янги хизмат турларини ўзлаштиришга оид энг мақбул тадбирлардан биридир.

Чунончи, шу йил июнь ойининг охирида телетиббиёт бўйича видеоконференцалоқа ўтказилди. Унда Ўзбекистоннинг етакчи тиббиёт ходимлари, жарроҳлари АҚШ ва Швейцариялик ҳамкасблари билан бирга халқаро жарроҳлик операциясининг иштирокчиси бўлдилар. Жуда муваффақиятли ўтган ушбу операция жараёни Тошкент, Лозанна, Хьюстон шаҳарлари мутахассисларига телевидение орқали намойиш этилди.

Кўпгина мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон иштирокидаги дастлабки видеоконференциялар 1998 йилда ўтказилган эди. Ўшанда ТАЕ-ВОЛС эндигина ишга туширилганди. Эндиликда Тошкентдаги рақамли АТСлар ва электрон «транспорт халқаси», радиореле станциялари ва тола-оптик кабель линияларидаги рақамли ускуналар, ТАЕ-ВОЛС халқаро магистрал исталган буюртмачига юксак савияда хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Ўзаро ахборот алмашишнинг бундай энг замонавий воситаларидан бемалол фойдаланиш эндиликда нафақат саноқли мутахассислар доирасига, балки алоқа хизматига эҳтиёжмандларнинг кенг қатламига ҳам насиб этмоқда. Уяли телефон билан алоқа қилиш имкониятларидан энди ҳеч ким ҳайратланмай қўйди. Навбатда эса ернинг сунъий йўлдоши орқали улкан коинот алоқасини амалга ошириш вазифаси турибди.

Ахборот техникаси ва технологияси, коммутация ва узатиш тизимлари, инсон фаолияти ва ҳаётининг турли соҳаларини компьютерлаштириш беқиёс қулайликлар яратиб бермоқда. Бироқ бу телекоммуникация тармоғи олдига янги муаммоларни ҳам кўндаланг қилиб қўймоқда. Телекоммуникацияларни янгилаш, истеъмолчиларга жаҳон андозалари талаблари даражасида сифатли хизмат кўрсатиш жараёнлари ана шу муаммоларнинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқдир.

**А. КУДИНОВ.**

